

“ТАСДИҚЛАНГАН”



**“Milliy banklararo protsessing markazi”
акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг
2024 йил 2 августдаги
179/09-2-қғ-сон қарори билан**

**“MILLIY BANKLARARO PROTSSESSING MARKAZI”
АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

Тошкент – 2024

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом “MILLIY BANKLARARO PROTSESSING MARKAZI” АЖ (бундан буён матнда - Жамият) Кузатув кенгашининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек Жамиятнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Кузатув кенгаш Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.1. Кузатув кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши Раиси томонидан Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

2. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Кузатув кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

2.1.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.1.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

2.1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

2.1.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ва иштирок этиш ҳақида хабар қилиш учун акциядорларнинг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

2.1.5. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият Уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳамда тегишли ҳужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

2.1.6. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.1.7. Жамиятнинг бошқарув аъзоларини тузиш (Раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

2.1.8. Амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш;

2.1.9. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

2.1.10. Аудиторлик қўмитасини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

2.1.11. Аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.12. Бошқаруви Раиси лавозимига танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнларини ўз ичига олган регламентни тасдиқлаш;

2.1.13. Жамиятнинг Бошқарув органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

2.1.14. Жамият Бошқарув органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаш зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

2.1.15. Бошқарув органининг жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисоботларини мунтазам эшитиш;

2.1.16. Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар бериш;

2.1.17. Жамиятнинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.1.18. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

2.1.19. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

2.1.20. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия бериш;

2.1.21. Қонунчиликда ва жамият Уставида назарда тутилган тартибда мол-мулк сотиб олиш ва уни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.1.22. Қонунчиликда ва жамият Уставида назарда тутилган тартибда жамиятнинг аффилиланган шаслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.1.23. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

2.1.24. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

2.1.25. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

2.1.26. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

2.1.27. Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

2.1.28. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.29. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.30. Корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.31. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

2.1.32. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида жалб этиш;

2.1.33. Жамиятда Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш.

2.3. Кузатув кенгашнинг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Кузатув кенгашнинг ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Ижроия (Бошқарув) органига берилиши мумкин эмас.

3. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланади.

3.2. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби 5 (беш) кишидан иборатдир. Кузатув кенгаши таркибига 1 (бир) нафар мустақил аъзо сайланади.

3.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.4. Жамият Бошқаруви раиси ва аъзолари Кузатув кенгашга сайланиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Кузатув кенгаш аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.6. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг

аъзолари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.7. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажаришдан куйидаги ҳолатларда озод этилади:

- ёзма ариза берган тақдирда;
- белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;
- унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- вафот этган тақдирда;
- соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

3.8. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

3.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.10. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

3.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки Кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

4. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Корпоратив бошқарув, менежмент, иқтисодий ва ҳуқуқий, техник ҳамда ИТ соҳаларидан бирида билим ва кўникмаларга эга бўлган шахслар Кузатув кенгашнинг аъзолари бўлиши мумкин. Кузатув кенгаш аъзолигига акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ бошқа соҳада фаолият юритадиган мутахассислар ҳам сайланиши мумкин.

4.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда Кузатув кенгашнинг мустақил аъзолигига номзодлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва/ёки акциядор/акциядорлар томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

4.3. Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига қўйиладиган талаблар амалдаги қонунчилик билан белгиланади.

4.4. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг

реестрини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

5. КУЗАТУВ КЕНГАШ РАИСИ

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаш аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

5.4. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

6. КУЗАТУВ КЕНГАШНИНГ МАЖЛИСИ

6.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгашнинг аъзоси, тафтиш комиссияси, Бошқаруви, шунингдек ички аудит хизмати бошлиғи ва жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган акциядорларнинг талабига кўра чақирилади.

6.2. Кузатув кенгаш мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Йиғилишда мажбурий тартибда қуйидагилар кўриб чиқилади:

- Ижроия (Бошқарув) органининг жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги, жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидаги ҳисоботлари;

- Йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузилиши, шу жумладан, ушбу битимларни тузишда қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя этилиши бўйича тафтиш комиссиясининг хулосалари;

- Ички аудит хизмати ҳисоботи;

6.3. Жамиятда техник воситалар, Кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари мавжуд бўлган тақдирда, Кузатув кенгашнинг мажлислари видеоконференция алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

6.4. Кузатув кенгашнинг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

6.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашнинг янги

таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.6. Кузатув кенгашнинг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонунчилик ва жамият Уставида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Кузатув кенгашнинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

6.7. Кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда Кузатув кенгашининг Раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

6.8. Жамиятнинг устав фондини (капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.9. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

6.10. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

6.11. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

6.12. Кузатув кенгаш мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган кенгаш аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.13. Кузатув кенгаш мажлисининг баённомаси имзоланган куни Ижроия (Бошқарув) органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаш акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот ижроия органга Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

6.14. Кузатув кенгашнинг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиқиш;
- Кузатув кенгаш қарорига кўра муайян давр учун жамиятнинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисидаги маълумотлар олиш;
- Ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси сифатида ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар учун компенсация олиш;
- Қонунчиликда ва Уставда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар;

7.2. Кузатув кенгаш қошида Кузатув кенгаш ва ижроия органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш, аудит, кадрлар бўйича ва бошқа қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этилиши мумкин;

7.3. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидагиларга мажбур:

- Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши;
- Ўзининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек жамият манфаатлари йўлида у энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;
- Қонунчиликда ва Уставда кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар.

7.4. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар, Бошқарув ва Назорат органлари аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

7.5. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар ва х.к.) шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

7.6. Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Низомда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутати ҳамда қонун ҳужжатларида ва Уставида белгиланган тартибда ўз харакатлари (харакатсизлиги) учун жавобгар бўлади.

8.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

8.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаш аъзолари жавобгар бўлмайди.

8.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9. КУЗАТУВ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

9.1. Кузатув кенгаш аъзоларига ушбу Низомда назарда тутилган ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажарганликлари учун ҳақ (мукофот) тўланади.

9.2. Кузатув кенгаш аъзоларига ҳақ тўлаш жамиятнинг молиявий натижаларига бевоста боғлиқ бўлади.

9.3. Мукофот пули ҳар чорак якуни бўйича тўланади. Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун тўланадиган мукофот пули миқдори жамият бошқарув раиси чораклик маошининг йигирма фоизини ташкил этади.

9.4. Мукофот пулини тўлаш манбаи Жамиятнинг маблағлари ҳисобланади.

9.5. Мукофот пулини тўлашнинг асосий шarti жамиятнинг чораклик соф фойдасининг бизнес режа кўрсаткичларидан ортиқ бажарилганлиги ҳисобланади.

9.6. Кузатув кенгаш аъзоси чорак мобайнида Кузатув кенгаш мажлисларининг ярмидан кўпида иштирок этмаган ёки ўзига юклатилган вазифаларни бажармаган ёки қониқарсиз даражада бажарган ҳолларда унга тўланадиган мукофот пули камайтирилиши ёки умуман берилмаслиги мумкин.

9.7. Кузатув кенгаш аъзоларининг ўтган чоракдаги фаолияти учун бериладиган мукофот пулининг камайтирилиши ёки умуман берилмаслиги Кузатув кенгаш Раиси томонидан белгиланади ва тегишли тақдимнома билан расмийлаштирилади.

9.8. Кузатув кенгаши Раиси томонидан имзоланган тақдимнома Ижроия (Бошқарув) органи учун мукофот пулини ҳисоблаш ва Кузатув кенгаш аъзоларига тўлаш учун асос бўлиб ҳизмат қилади.

9.9. Кузатув кенгаш аъзоларининг ўз вазифаларини бажариш давомида қилган харажатлари Жамият томонидан қоплаб берилади, агарда бу ҳақда Кузатув кенгаши Раисининг тегишли тақдимномаси ва қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса.

10. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ ҚЎМИТАЛАР ФАОЛИЯТИ

10.1. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашга тавсиялар

тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

10.2. Жамиятда Кузатув кенгаши қарори билан қуйидаги қўмиталар ташкил этилиши мумкин:

- Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;
- Аудит қўмитаси;
- Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;
- Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси.

10.3. Барча қўмиталарнинг фаолияти қўмита таркиби, ваколатлари, иш тартиби ҳамда аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби қоидаларни ўз ичига олган ички ҳужжатлар билан тартибга солинади.

10.4. Қўмиталар таркиби Кузатув кенгаш аъзоларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда қўмиталар ишига Ижро (Бошқарув) органлари аъзолари, жамият ходимлари ва ташқи экспертлар жалб этилиши мумкин.

10.5. Қўмиталар аъзолари Кузатув кенгаш Раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаш аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши қўмита аъзолари орасидан қўмита раисини тайинлайди.

10.6. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок қилса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда қўмита раиси иштирок этиши шарт. Мажлисида қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳар бир қўмита аъзоси бир овозга эга.

10.7. Қўмитанинг қарори мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома қўмита котиби томонидан юритилади ва у овоз беришда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши (ягона акциядор) томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

11.2. Мазкур Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.

11.3. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар ўрнатилган тартибда жавобгар ҳисобланадилар.

11.4. Агар мазкур Низомнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамиятнинг Уставига зид келиб қолса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамият Уставига амал қилинади.